

Э Ё Л О Н

“Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги инвестиция компанияси (кейинги ўринларда – Жамият), Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида” Қонуни 30-модданинг иккинчи қисми 8 ва 11 хатбошлари ва учинчи қисми, шунингдек, Жамиятнинг Уставига мувофиқ, қуйидагилар тўғрисида эълон қилади.

Хусусан, Жамиятнинг 2025 ҳисобот йили даври учун аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш, аудиторлик ташкилотлари ҳамда уларнинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини аниқлаш юзасидан қонунчилик нормалари белгиланган.

Шу муносабат билан, аудиторлик фаолияти бўйича бозор конъюктурасини ўрганиш мақсадида сиздан расмий сайтга <https://www.udif.uz/> жамоатчиликка оммавий шаклда эълон қилинган **техник топшириқ талаблари ва мезонлари** асосида ишлаб чиқилган тижорат таклифини 2026 йил 15 январга қадар Жамиятнинг info@udif.uz ёки uzdif@e-xat.uz почта манзилига тақдим этишингиз сўралади.

Жамиятнинг юридик манзили ва реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Минор МФЙ, Амир Темур шоҳ кўчаси, 95а-уй;

“Kapital bank” АТБ Амалиёт бошқармаси, МФО 00974, ОКЭД 64.99.0, СТИР 306 601 995.

Ҳамкорлик учун миннатдорчилик билдирган ҳолда, сизнинг қизиқишингиз ва тезкор жавобингизни кўтиб қоламиз!

ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

(асосий версия)

1. Умумий қоидалар

1.1. Аудиторлик текшируви предмети

“Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги инвестиция компаниясининг 2025 ҳисобот йили даври учун аудиторлик текширувини ўтказиш:

- календарь йилнинг 1 январидан 31 декабригача (31 январь ҳам кирази) бўлган молиявий-хўжалик фаолиятининг аудитини ўтказиш, шунингдек, аудиторлик ҳисобот ва хулосаларини тақдим этиш;

- кредиторлик ва дебиторлик қарздорликларни аниқлаш;

- бухгалтерия балансидаги ҳар бир операциянинг тўғрилигини текшириш;

- солиқ ҳисоботларининг тўғри юритилиши ва қўлланилишини текшириш, солиқдан қарздорлик ҳолатларини ҳамда ортиқча ҳисобланган солиқ суммаларини аниқлаш.

1.2. Аудиторлик текшируви мақсади

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 7 сентябрдаги ПФ-215-сон Фармони ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлигини текшириш.

1.3. Аудиторлик текшируви ўтказиш учун асос

- Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида” Қонуни;

- Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Қонуни;

- “Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси” масъулияти чекланган жамияти шаклидаги инвестиция компаниясининг Устави.

1.4. Буюртмачи ҳақида маълумот

- “Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси” масъулияти чекланган жамияти;

- Жамиятнинг почта манзили ва реквизитлари тўғрисидаги маълумотлар:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Минор МФЙ, Амир Темур шоҳ кўчаси, 95а-уй манзили

СТИР 306601995, ИФУТ (ОКЭД) 64.99.0

e-mail: info@udif.uz e-xat: uzdif@e-xat.uz расмий саҳифа: www.udif.uz

1.5. Аудиторлик текшируви ўтказиш шартлари

Талаб қилинадиган хизмат тури, жумладан текширилиши лозим ҳисобланадиган хизмат-фаолият турлари:

1) Бухгалтерия ҳисобининг 22 та миллий стандартлари (БҲМС) ва Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) мувофиқ аудиторлик текшируви.

2) Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботлари аудити:
бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқлиги.

3) Бухгалтерия ҳисоби ва солиққа тортиш мақсадлари аудити:
бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси, бухгалтерия ёзувлари (“бухгалтерские проводки”, “бухгалтерские записи”, “контровка”), ҳужжатлар айланиши, буюртмаларни расмийлаштириш, молиявий ҳисоботларни тақдим этиш муддатлари, уларнинг таркиби ва мазмуни ҳамда солиқ ставкалари тўғри юритилиши ва қўлланилиши.

4) Таъсис ҳужжатлари ва Буюртмачи фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатлари аудити:

Рўйхатга олиш ҳужжатлари, таъсис ҳужжатлари, ички идоравий ҳужжатлар, лицензия ва уни олиш учун асослар ва бошқалар.

5) Товар-моддий захиралар (4-сон БҲМС) ва асосий воситалар (5-сон БҲМС) бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига асосан аудитдан ўтказиш, бирламчи ҳужжатлар ва материаллар ҳисобини текшириш.

6) Жамият фаолиятидан олинган даромадлари ҳамда хизматларини сотишдан тушган тушумлари аудити:

- тузилган шартномалар ва счёт-фактураларни тўғри юритилиши ва қўлланилишини текшириш;

- жамиятнинг инвестицион фаолиятидан олинган даромадларини ва бўш пул маблағларини тижорат банкларининг депозит ҳисобрақамларига жойлаштириш бўйича шартномаларини текшириш.

7) Жамиятнинг харажатларини ҳисобга олиш аудити:
харажатларни таҳлил қилиш, молиявий-хўжалик шартномалари ва счёт-фактуралари, операцион ва қўшимча харажатлар, молиявий ва солиқ ҳисоботлари.

8) Жамиятнинг асосий воситалари аудити:
асосий воситалар ва журнал-варрантларни қайта баҳолаш, эскириш ва амортизация ҳисобланиши, товар-моддий қимматликлар ҳисоботлари, инвентаризация далолатномалари, ишончномаларни расмийлаштирилиши, моддий жавобгар шахслар, моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартномалар, қабул қилиш ва ҳисобдан чиқариш далолатномалари, ҳисобдан чиқариш ва реализация қилиш тўғрисида буйруқлар.

9) Жамият маблағларидан мақсадли фойдаланиш аудити:
банкларда очилган ҳисобварақлари бўйича операциялар, пул оқимлари ҳаракати, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган харажатлари, хизмат сафари харажатлари ва шу кабилар.

10) Келгуси даврларнинг харажатлари ва даромадлари ҳисоби аудити:

- бизнес-режа параметрлари;
- шартномалар ва счёт-фактуралар.

11) Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар аудити:

- ходимлар билан меҳнат шартномалари тузиш ва уларни бекор қилиш, ходимларга нисбатан рағбатлантириш чораларини ва интизомий жазоларни қўллаш юзасидан буйруқларни текшириш;

- фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартномалар тузиш ва уларни амал қилишини текшириш;

- инвестиция воситачилари, маслаҳатчилари (консультант), шу жумладан, хорижий мутахассисларни (eng. Expat) жалб қилиш юзасидан ҳужжатлар ва шартномаларни текшириш;

- ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш шаклларини, тизимларини, миқдорини, турларини ва бошқа ижтимоий кафолатларини белгилаш асосларини текшириш;

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш варақаси, иш ҳақи табели ва моддий рағбатлантириш буйруқлари, хизмат сафари ҳужжатлари, аванс (бўнак) ҳисоботлари, хизмат сафарида бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботлар, фуқаролик-ҳуқуқий хусусиятга эга шартномалар бўйича бажарилган ишлар далолатномалари ва шу кабиларни текшириш.

12) Валюта курси фарқларини ҳисобга олиш аудити:

счётлар, ҳисоб-китоблар, валюта ҳисоблари, шартномалар бўйича банк кўчирмалари.

13) Пул оқимлари ҳаракати ҳисоби аудити:

ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақлар бўйича банк кўчирмалари, ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақлар транскрипти, пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар, ҳисобварақлар қолдиғи бўйича банк билан солиштирма далолатномаси.

14) Дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлар, заемлар, мажбуриятлар аудити:

қарздорлар ва кредиторларнинг декодланиши, юзага келиш муддатлари, даъво ишлари, етказиб берувчилар ва ижрочилар билан ҳисоб-китоблар ва ҳоказо.

15) Балансдан ташқари ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия ҳисоби аудити.

16) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш, ушлаб қолиш ва ўтказиш аудити.

молиявий ҳисобот, солиқ ҳисоб-китоблари, солиққа солиш асослари;

17) Ёқилғи-мойлаш материалларини тўғри ҳисобга олиш, истеъмол нормалари ва сақлаш қоидаларига риоя этилиши аудити:

йўл варақалари, ёқилғи қуйиш шохобчалари билан тузилган шартнома, ёқилғи-мойлаш материаллари бўйича моддий ҳисоботлар, ҳисоб карталари, айланма варақлари, хизмат автотранспорт воситасини таъмирлаш нуқсон далолатномалари;

18) Кадрлар бўлими аудити

буйруқлар, меҳнат дафтарчалари ёки электрон меҳнат дафтарчаларини рўйхатдан ўтказилиши ва юритилиши, меҳнат шартномалари, ходимларнинг шахсий ишлари, корxonанинг шахсий таркиби тўғрисидаги ҳужжатлар, лавозим мажбуриятлари ва тавсифлари;

19) Аудит ҳисоботлари ва хулосаларини тайёрлаш;

молиявий ҳисоботларнинг аналитик ва синтетик ҳисобининг мувофиқлиги, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларининг ҳолати тўғрисидаги аудиторлик хулосаси;

20) Аудит ҳисоботлари учун асос бўлган ҳисоб-китобларни тақдим этиш:

молиявий ҳисоботлар учун асос бўлган ҳисоб-китобларнинг ишланма файлларини тақдим этиш, хусусан, МҲХС учун шакллантириладиган қўшимча бухгалтерия ўтказмаларининг ёйилмаси ва ҳамда улардаги рақамларнинг ҳисобланган ёйилмалари;

21) Жамият томонидан киритилган узоқ муддатли инвестицияларнинг қиймати ҳамда уларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс этирилишини аудит қилиш:

жамият балансидаги 4 (тўрт)та узоқ муддатли инвестициялар яъни жамият томонидан бошқа жамиятларга киритилган инвестицияларнинг баланс қиймати тўғри шакллантирилганлиги доирасида хулосалар тақдим этиш. Хусусан, ушбу инвестициялар киритиш доирасида амалга оширилган харажатлар, жумладан, корxonанинг бозор қийматини баҳолаш ва юридик хатарларни баҳолаш хизматлари бўйича харажатларнинг 12-БҲМС мос равишда олиб борилганлигини текшириш ва ўз тавсияларини бериш.

22) Аудиторлик текширувини ўтказиш даври: 2026 йил январь-февраль.

1.6. Аудиторлик текшируви ўтказиладиган объект

Аудиторлик текшируви “Буюртмачи” биносида амалга оширилади.

2. Иш-хизмат етказиб бериш шартлари

2.1. Аудиторлик хизмати кўрсатиш шартлари

Аудиторлик ташкилотидан “Буюртмачи” томонидан ва ҳар қандай бошқа учинчи томон аралашувидан холис бўлган тарзда аудиторлик текширувини ўтказган ҳолда ҳаққоний ҳисобот ва хулосаларни тақдим этиши сўралади.

2.2. Аудиторлик ташкилоти учун қўйиладиган талаблар

Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Қонунига мувофиқ аудиторлик фаолиятини ташкил этган юридик шахс.

3. Аудиторлик текшируви натижаларини топшириш ва қабул қилиш

3.1. Ўтказилган аудит доирасида бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоботлар шакллантириш ва “Буюртмачи”га тақдим этиш

- техник топшириқ бўйича бажарилган ишларнинг ҳисоботлари ва тавсиялари;

- аудиторлик хулосаси;
- натижаларни топшириш ва қабул қилиш тартиби “Ижрочи” ва “Буюртмачи” ўртасида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

3.2. Аудиторлик текшируви натижалари

Аудиторлик текшируви натижаларига асосан тузилган ҳисобот икки шаклда БҲМС ва “МСФО”, уч нусхада ёзма ва электрон (“PDF”) форматда, аудит ташкилоти томонидан саҳифама-саҳифа имзоланган ва муҳр босилган тартибда тақдим этилиши лозим.

4. Сифат кафолати

4.1. Аудиторлик текшируви сифатини таъминлашга қўйиладиган талаблар

- техник топшириқда кўрсатилган барча талабларни бажарилишини;
- аудиторлик хизматини қонунчилик ҳужжатлари талаблари асосида бажарилишини;
- юқори малакали мутахассис аудиторларни жалб қилинишини;
- аудиторлик текшируви якуний натижалари асосида тайёрланган ҳисоботлар миллий ва халқаро аудит стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилишини;
- “Буюртмачи”га аудит текшируви якунланганидан сўнг барча тақдим этилган бирламчи ва иш ҳужжатлари тўлиқ қайтарилишини таъминлайди.

“Буюртмачи” томонидан аудиторлик ташкилотига тақдим этиш орқали ошкор қилинган маълумотларнинг махфийлигини, шунингдек, аудиторлик хизматларини кўрсатиш жараёнида фойдаланилган барча материаллар, бизнес-режа параметрлари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ва бошқа инсайд ахборотларнинг махфийлигини сақланиши ва унинг ёзма розилигисиз учинчи шахсларга берилиши тақиқланади.

4.2. Хизмат кўрсатиш муддати кафолати

Хизмат кўрсатиш охириги муддати шартномада кўрсатилган муддатдан ошиб кетмаслиги лозим.